



20 20 14 Август № 1182

Тендерда ғолиб чиккан Эски Яйпан МФЙ Улуғбек кўчаси 115-уйда яшовчи фуқоро Mamatqulov Muxammadjon Mo'udinovichga сабзавотчилик йўналишидаги фермер хўжалиги ташкил этиш учун ижарада фойдаланишга ер майдони ажратиб бериш тўғрисида

Такдим этилган хужжатларни кўриб чикиб, хамда Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси» нинг 6.13 моддалари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 30.10.2003 йилги 476-сонли, 10.02.2016 йилги 34-сонли қарорлари, шунингдек Қишлоқ хўжалигида иктисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича Республика комиссиясининг 25.04.2016 йилдаги хўжаликларнинг ер участкаларидан самарали фойдаланиш, мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, фермерларнинг молиявий ҳолатини янада яхшилаш мақсадига уларнинг ер участкалари ҳажмларини мақбуллаштириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлари тўғрисидаги 01-03-12-16-сонли йиғилиш баёнида кўрсатилган талабларга асосланиб хамда "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида" ги Қонунининг 6.25-моддаларини кўллаб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Халқ депутатлари Ўзбекистон туман кенгашининг 2020 йил 25-май кунги № 40/6-6-сонли қарори асос учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон тумани ҳокимлиги захира фондига олинган ер майдонларида тендер танлови ўтказиш бўйича тузилган комиссиясининг тендерда ғолиб чиккан Эски Яйпан МФЙ Улуғбек кўчаси 115-уйда яшовчи фуқоро Mamatqulov Muxammadjon Mo'udinovichga сабзавотчилик йўналишидаги фермер хўжалиги ташкил этишга ижарада фойдаланиш учун ер майдони ажратиб бериш тўғрисидаги 20.04.2020 йил кунги йиғилиш баёни тасдиқлансин.

3. Тендерда ғолиб чиккан Эски Яйпан МФЙ Улуғбек кўчаси 115-уйда яшовчи фуқоро Mamatqulov Muxammadjon Mo'udinovichga А.Ниёзов ММТП худудидаги № 904-контурда жойлашган жами: 2.00 га, шундан 1.70 га экин майдони, 0.30 га арик-зовурлардан иборат ер майдони сабзавотчилик йўналишидаги фермер хўжалиги ташкил этиш учун 30 (ўттиз) йилга узок муддатга ижарада фойдаланишга ажратиб берилсин.

4. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими раҳбари (А.Ражабов)га, туман Статистика бўлими раҳбари (О.Абдуллаев)га, туман Давлат Солик инспекцияси раҳбари (Ж.Кўчқаров) га, Фарғона вилояти Адлия бошқармаси Ўзбекистон туман тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари курсатиш "Ягона дарча" маркази раҳбари (М.Джўраев) га: -ушбу қарордан келиб чиккан ҳолда давлат реестирларига амалдаги тартиблар асосида тегишли ўзгартиришлар киритиш вазифаси топширилсин.

5. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиб бориш туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўйича ҳоким ўринбосари П.Мамадалиев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими:



К.Джўраев